*Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан*



## «Совет Ўзбекистони» анкетаси

1. СИЗНИНГ КОЛЛЕКТИВИНГИЗДА, ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНГИЗДА ҚАЙТА ҚУРИШ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ! УНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ ҚАНДАЙ ЯКУНЛАНДИ!

2. ЯНГИЧА ИШЛАШ ТАЖРИБАЛАРИДАН ҚАЙСИ БИРЛАРИ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ВА УНИ ҚАНДАЙ КЕНГ ЁЙСА БЎЛАДИ!

3. СИЗНИНГЧА, ҚАЙТА ҚУРИШГА НИМАЛАР ХАЛАҚИТ БЕРЯПТИ! ҚАЙСИ ИШДА ҲАЛИ ҲАМ ТУРҒУНЛИК ҲУКМ СУРМОҚДА!

**Анкета саволларига Чирчиқ трансформатор заводи партия комитети секретари Юрий Сергеевич КУЗНЕЦОВ жавоб беради. Суҳбатдошимиз меҳнат фаолиятини 1965 йили ана шу корхонада оддий ишчиликдан бошлаган. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институтининг Чирчиқдаги филиалини битирган. 1971 йилдан КПСС аъзоси, Чирчиқ шаҳар партия комитети аъзоси, шаҳар Совети депутати.**

# ҚУЙИ БЎҒИНДАГИ ТУРҒУНЛИК САБАБЛАРИ

**—Корхонангиз республикада биринчилар қатори иқтисодий эксперимент шароитида ишлашга ўтган эди. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтилган ҳозирги даврда эксперимент шароитида партия комитетининг экономикага раҳбарлик борасида тўплаган тажрибалари қўл келаётган бўлса керак!**

— Маълумки, хўжалик юритишнинг янгича шароитида асосий кўрсаткич сифатида шартнома мажбуриятларига амал қилишга эътибор кучаяди. Очиғини айтиш керак. Кўрилган қатор ташкилий-техникавий тадбирларимиз бу соҳадаги ишни олға силжитишга етарлича таъсир кўрсатмаяпти. Ўтган йили буюртмачилардан қарийб 2 миллион сўмлик маҳсулот қарздор бўлиб қолдик.

Айрим техник-иқтисодий кўрсаткичлар плани ҳам бажарилмади. Бунинг жиддий сабаблари бор, албатта. Булардан бири планлаштиришда корхона имкониятларини ҳисобга олмасликдир. Жумладан, 1987 йилги маҳсулот ишлаб чиқариш плани ҳам материал-техника таъминоти билан мос келмади. Яъни планда белгиланган маҳсулотни ишлаб чиқаришимиз учун бизга ажратилганидан кўпроқ хом ашё ва материаллар керак эди. Ана шу материаллар ҳам ўз вақтида етказиб берилмади. Шу сабабдан буюртмачилар олдида уялиб қолдик. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш топшириғи ҳам уддаланмади.

Ҳамма айбни бошқаларга қўйвериш ҳам адолатдан эмас. Маъмурият ва партия комитети қанчалик ҳаракат қилмасин ҳали корхонадаги барча имкониятлар ва резервлар ишга солинганий йўқ. Ҳолбуки, ишни икки-уч сменада ташкил этдик. Эски, самарасиз дастгоҳларни чиқариб ташлаб, цехларни кенгайтирдик, маиший-маданий дам олиш хоналарини кўпайтирдик. Бироқ ҳали ҳам мавжуд техника ва механизмлардан фойдаланиш кўнгилдагидек эмас. Айниқса, дастгоҳлар тунги сменаларда тўлиқ ишлатилмаяпти.

Корхонада ишлаб чиқаришни оператив планлаштириш борасида ҳам нуқсонлар бор. Шу сабабли ишлаб чиқариш бир маромда бормаяпти. Яъни йил бошида хотиржамлик, турғунлик вазияти ҳукм сурса, йил охирида «ҳа бўл-ҳа бўл» авжига чиқади.

Бу ҳол билан партия комитети муросасиз курашмоқда. Айниқса, кейинги даврда ишлаб чиқаришга мутасадди бўлган раҳбар кадрлардан қатъий талаб қилина бошланди. Партия комитетининг ҳар бир мажлисида раҳбар кадрларнинг ўз хизмат вазифаси ва партия топшириғини қандай бажараётганлиги ҳақидаги ҳисоботи тингланмоқда. Кейинги икки йил мобайнида партकомда йигирма киши ҳисоб берди. Ишни яхши ташкил эта олмаганликлари учун уларнинг айримлари партиявий жазо ҳам олишди.

Янги иқтисодий шароитда ишлашга ўтиш жараёнида партия ташкилоти давлат план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган қатор ташкилий-тарбиявий ишларни амалга оширди. Аввало барча бўғинлардаги раҳбар кадрлар ва уларнинг резервлари ошкора тарзда сайлаб қўйилди. Жумладан, 1987 йил мобайнида 38 мастер ва қарийб барча бригада бошлиқлари ишчи йиғилишларида сайлаб қўйилди. Партия комитети ишлаб чиққан беш йилликка мўлжалланган «Кадрлар» комплекси программасида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда ошкоралик, демократияга қатъий амал қилиш назарда тутилган. Кадрлар резервини тарбиялашга ҳам эътибор кучайтирилди. Уларни малака ошириш учун турдош корхоналарга юборяпмиз.

Ҳозир корхонада меҳнат коллективлари кенгашлари ўз фаолиятини бошлади. Эндиликда заводни ишчилар томонидан сайлаб қўйилган ана шу кенгаш аъзолари бошқарадилар.

**— Кейинги икки йил мобайнида экономикага раҳбарлик масаласи корхонанинг умумий партия йиғилишида тўрт марта, партия комитети мажлисида йигирма марта муҳокама қилинди. Бу йиғилишларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қатор-қатор қарор ва тадбирлар белгиланди. Аммо заводдаги бугунги ҳолат партия комитети ушбу қарорлар ижросини бўш назорат қилаётганлигини билдирмайдими!**

— Очиғини айтсам, биз кўпроқ хўжалик масалаларига берилиб кетамиз. Баъзан партия комитети мажлиси директор қошидаги ишлаб чиқариш кенгашига ўхшаб кетади. Шу боисдан ҳам мажлисларимизда қабул қилинган қарорлар аввалгисини такрорлайверади. Уларнинг ижроси эса етарли назорат қилинмайди.

Умуман хўжалик иши билан партиявий иш орасидаги фарқни топиш қийин. Менимча бу ишларни иккига ажратмаслик керак. Партия ташкилоти ҳар қандай хўжалик ишини муҳокама қилар экан, масалага кенгроқ ёндашиши, тор маҳкамачилик кайфиятига берилмаслиги муҳим. Партия ташкилоти — сиёсий раҳбарлик органи. У ҳар бир масалага унинг социал-сиёсий томонларини эътиборга олган ҳолда қараши зарур. Бизда кўп ҳолларда масалага мана шу тақлидда ёндашиш етишмайди.

Яқинда партия комитети ўзининг қайта қуриш ишига қандай раҳбарлик қилаётгани ҳақида коммунистлар олдида ҳисоб берди. Унда ҳозир эътироф этилаётган камчиликлар баралла юзимизга айтилди. Ҳақиқатан ҳам хўжалик ҳисобини идеологик жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифасига етарли эътибор бермадик. Сиёсий ва иқтисодий ўқувлар, лекция ва суҳбатларнинг таъсирчанлиги сезилмади. Коммунистларнинг ўз устида мустақил ишлашлари, сиёсий билимларини қандай ошираётганликлари билан қизиқмадик. Биргина мисол: партия комитети кутубхонасига аъзо бўлган 135 китобхоннинг атиги 35 нафари коммунист экан, холос. Корхонада эса 486 КПСС аъзоси ва 8 партия аъзолигига кандидат меҳнат қилади. Юқоридаги мисолдан партия аъзолари шундоқ ҳам билимдон деган хулоса чиқариш керак эмас. 35 коммунистнинг ҳам кўпчилиги пропагандистлар. Улар машғулотларга тайёргарлик кўришда марксизм-ленинизм асослари, партия ҳужжатларини ўрганишга мажбур. Қолганлар-чи? Улар партия тарихини ўрганишга, ўзларининг сиёсий ва маънавий дунёқарашларини кенгайтиришга нима учун қизиқмайдилар? Ана шу ҳолнинг ўзи партия комитети сиёсий-тарбиявий ишларни қай тариқа ташкил этганлигини кўрсатиб турибди.

Партия комитети ҳисобот бераётганда шундай анализ тилга олинди. Ҳисобот даврида партकомда муҳокама қилинган масалаларнинг 40 проценти хўжалик ишларига, 40 проценти ташкилий ишларга ва 20 проценти эса идеология ишларига таллуқли экан. Бу ҳам биз идеология ишидан анча йироқлашиб кетганимизни кўрсатади.

Жадаллаштириш ва қайта қуриш талабларини бажаришда партия қуйи бўғинлари ҳаракатлантирувчи куч бўлиши керак. Афсуски, биз бунга ҳали эриша олганимиз йўқ. Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу айниқса яққол намоён бўлди. Нотиқлар партия комитети қуйи ташкилотлар жанговарлигини оширишга етарли эътибор бермаётганлигини таъкидлашди. Бир неча цех партия бюросининг иши қониқарсиз деб топилди. Масъулиятсизлиги, партиявий ишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги учун цех партия ташкилоти секретарлари У. Ерматов, Т. Макареевич, Б. Аджигапаров, В. Риваларга коммунистлар ишонч билдиришмади. Бир қарашда уларга нисбатан тўғри ва принципиал йўл тутилган кўринади. Аммо бу принципиалликни охирига етказиш ҳам керак-да. Партия топшириғини бажаришга масъулиятсизлик билан ёндашган ана шу коммунистлардан нима учун қаттиқроқ талаб қилинмайди? Уларни аттестациядан ўтказиш вақтида комиссия ана шундай хулосага келди. В. Рива, Б. Аджигапаров аттестациядан ўтмади. Уларнинг шахсий иши яқинда партия йиғилишида кўриб чиқилади.

**— Партия қуйи бўғинлари жанговарлигини ошириш учун, сизнингча, нималар қилиш керак! Бу ишга нималар халақит беряпти!**

— Партия ишини қайта қуриш борасидаги тадбирлар қуйи бўғинларга жуда секин етиб боряпти. Бунинг турли сабаблари бор. Албатта, энг аввало қуйи ташкилотлардаги турғунликка партия комитетлари айбдор. Раҳбарлик бўш жойда иш олға силжимайди. Бу борада ҳисобот пайтида ҳам партия комитети адресига ўринли танқидий фикрлар айтилди. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Менимча, сайланма органлардаги коммунист билан ишлаш савиясини янада кўтариш керак. Тажрибадан маълум. Деярли барча район, шаҳар партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари секретарлари билан мунтазам шуғулланади. Бироқ цех партия ташкилоти секретарлари, партия группалари ташкилотчилари эътибордан четда қолади. Улар учун ҳам ана шундай машғулотлар ўтказилса, тажриба алмашиш имкониятлари яратилса айни муддао бўларди. Ҳолбуки, одатда бу лавозимга сайланган коммунистлар партия ишида етарли тажрибага эга бўлмайдилар.

Яқинда биз партия комитети аъзоси, слесарь И. Ролдугиннинг ҳисоботини эшитиб, унинг партия топшириғини яхши бажара олмаётганини эътироф этдик. Шунда Ролдугин «Мен бу вазифага биринчи бор сайланишим. Партия ишидан бош тортаётганим йўқ. Уни қандай бажариш кераклигини билмайман, холос. Бу соҳага тааллуқли бирор қўлланма ёки кўрсатма борми?» деб сўради. Ана шунда мен ўз камчилигимни тушундим ва ақлим етганича партия комитети аъзоларининг вазифалари, уларни бажариш йўл-йўриқлари қайд этилган қўлланма тайёрладим. Илгари шаҳар партия комитети бошланғич, цех партия ташкилотлари секретарлари, ҳатто партия группалари ташкилотчилари учун ҳам кўпгина зарур қўлланмалар, эсдалик дафтарчалари чиқарар, уларни марказий нашриётларда чиқадиган «Книжка партийного активиста», «Спутник партгруппорга» кабы зарур китобчалар билан таъминларди. Шаҳар партия комитети бу ишга ҳозир негадир қунт қилмаяпти. Менимча партия ходими, активисти учун зарур бўлган қўлланмаларни республикамизда ҳам кўпроқ нашр этишни йўлга қўйиш керак.

Умуман шаҳар партия комитети янги сайланган цех партия ташкилоти секретарлари ва партия группалари етакчилари билан машғулотлар ўтказиш учун махсус программа ишлаб чиқса, уларнинг партиявий ишда малакасини оширишга жиддий эътибор берса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Комсомолда ҳам сайланма активни ўқитишни йўлга қўйиш зарур. Ана шунда қуйи ташкилотларнинг ишидаги пассивликка, турғунликка барҳам берилади. Партия ташкилоти актив бўлган жойда эса жамоат ташкилотларининг ҳам роли кучайиб бораверади.

Яна бир муаммо. Тўла хўжалик ҳисобида ишлаш шароитида ҳар бир кишининг ишлаб чиқаришдаги иштироки қатъий контрол қилинади. Шу муносабат билан корхона меҳнат коллективи кенгаши ҳақидаги муваққат қўлланмада кенгаш аъзоси ўз ваколатини бажараётган пайтда давлат топшириғини бажаряпти, деб ҳисоблаб, унинг асосий иш жойидаги маошини сақлаб қолиш назарда тутилган. Халқ депутатлари, халқ назоратчилари ҳам шундай ҳуқуқга эгадирлар. Лекин сайланма партия активи бундан истисно. Тўғри, партия йиғилишларини иш вақтида ўтказмаслик керак. Биз шундай қиляпмиз ҳам. Бироқ йиғилишларга масала тайёрлашда партия активи иштирок этади ва бу иш вақтида бажариладику. Хўжалик ҳисоби шароитида эса коммунист партия топшириғини бажараётган даврда унинг иш ҳақини сақлаб қолиш кўзда тутилмаган. Бу масалани пухта ўйлаб кўриш лозим.

Қайта қуришнинг биринчи босқичи якунлари партия ташкилотимиз ишидаги ютуқ ва камчиликларни конкрет таҳлил қилиб чиқиш имконини берди. Эндиликда партия комитети ўз фаолиятида кўпроқ ошкораликка, партиявий принципиалликка, ижрони назорат қилишга эътибор беряпти. Ҳисобот йиғилишларида коммунистлар томонидан билдирилган танқидий мулоҳазалар умумлаштирилиб, ўрганилмоқда. Кейинги фаолиятимизда ана шу қимматли таклиф ва истакларни эътиборга оламиз.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси арафасида партиявий иш савиясини юқори кўтариш лозим. Бу вазифани қуйи бўғинлар жанговарлигини, коммунистлар активлигини оширишдан бошлаш муҳим. Зеро, партиянинг қуйи бўғинлари қайта қуриш ва жадаллаштириш фронтининг энг олдинги сафларида турибдилар.

**Суҳбатни А. РАҲИМБЕРДИЕВ олиб борди.**

# ДУНЁ ОВОЗИ

## ҚАЙТА ҚУРИШ ПОЛЯКЛАРНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРМОҚДА

— Қайта қуриш полякларни қойил қолдирмоқда, сизлардаги ўзгартишлар мени қойил қолдирмоқда, улар бутун дунёни қойил қолдирмоқда — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР сейми вице-маршали Мечислав Раковский 8 январь куни Кремлда А. А. Громико қабули вақтида бўлган суҳбатда ана шу фикрни айтди.

Меҳмон ўз фикрини давом эттириб, қайта қуриш коммунистик ва ишчилар ҳаракатига, барча социалистик мамлакатларга, умуман бутун дунёга жуда катта таъсир ўтказмоқда, чунки қайта қуриш фақат Совет Иттифоқидаги ички ўзгаришларга тааллуқли бўлмай, айни вақтда халқаро муносабатларда халқлар учун қулай бўлган йўналишдаги ўзгаришларга ҳам тааллуқлидир, деб таъкидлади.

У Совет Иттифоқига келгунга қадар СССРда қайта қуриш тўғрисидаги китобини деярли ёзиб тугаллаган эди. Ўз асари учун материалларни бизнинг матбуотимиздан олди. Дунёдаги кўп кишилар каби у ҳам совет матбуотида муаммолар дадиллик билан ўртага қўйилаётганлигидан, бу даврда Советлар мамлакатида жуда кўп истеъдодли кишилар намоён бўлаётганидан ҳайратланиб гапирди.

Бироқ у ўз китобининг анчагина қисмини қайтадан ёзиб чиқишига тўғри келади, чунки Совет Иттифоқида бўлганидан ва Москвадаги суҳбатлардан кейин у қайта қуриш муаммоларини чуқурроқ англаб етди.

СССРдаги қайта қуриш тўғрисида Польшада ҳамма: фақат расмий йиғилишлардагина эмас, шу билан бирга ишчилар орасида ҳам, деҳқонлар йиғинларида ҳам, дўстларнинг одатдаги учрашувларида ва ҳатто оила даврасида ҳам гапиришади. Совет давлатига қизиқиш мислсиздир. Совет Иттифоқи лагеримизда социализмнинг асосий кучи бўлиб қолаётганлигини ва бутун дунёда жуда катта роль ўйнаётганлигини поляклар яхши тушунадилар.

Польша демократик кучларининг сўнгги қирқ йилдан кўпроқ вақт ичидаги энг катта ютуғи шундан иборатки, деди юқори мартабали меҳмон, бизнинг шарқий чегараларимизда энди ташвиш чироқлари ёнмаяпти. Бу эса Польша учун мутлақо янги вазият бўлиб, бундай вазият илгари кўп асрлар давомида бўлмаган эди.

А. А. Громико бу мулоҳазалар ўзи иштирок этган ўтмишдаги бир воқеани эсга солганлигини айтди. Хусусан, Польша фашизмдан озод қилингандан кейин бу давлат қандай бўлиши керак, деган масала кўндаланг турарди. Ўша вақтда Совет Иттифоқи: Польша Советларга дўст мамлакат бўлиши керак, деб қатъий бир фикрни айтди. Ғарбдаги иттифоқчилар берган жавоб бундай бўлди: Польша урушдан олдин қандай давлат бўлган бўлса, шундай давлат бўлиб қолиши керак, аслида капиталистик давлатлар изидан бориши лозим.

Иттифоқчиларнинг ҳамма конференцияларида Польша масаласи юзасидан қаттиқ жанглар давом этди. Айниқса Потсдамда бу кураш кескин тус олди. Баъзан столни бир муштлаб, эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетадиган пайт келганга ўхшарди. Бироқ совет делегацияси сабр-бардошли бўлди, буни темир бардош, деб аташ мумкин. Бу гап, аввало, Сталинга тааллуқлидир. Сталин Польша Совет Иттифоқига дўст социалистик давлат бўлиши учун, Ғарб блокига тиркама бўлмаслиги учун шер каби олишди. Бу ишда муваффақиятга эришди. Пировард натижада Совет Иттифоқи азм қилган қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг совет делегацияси енгил нафас олди. Довонга чиқиб, олдиларидаги гўзал истиқболни ва янада эркинроқ йўлни кўрган альпинистлар ўзларини ана шундай ҳис этсалар керак.

А. А. Громико урушдан кейинги Европа чегараларининг дахлсизлиги принципига алоҳида тўхталиб ўтди. Польша чегараларини қайта кўриб чиқиш масаласини ўртага қўяётган Ғарбдаги кучлар ва доиралар (афсуски, баъзи жойларда ана шундай кучлар ҳали ҳам бор) бу ишни ақл-фаросат билан қилмаяптилар. Ҳозирги давр чегаралари дахлсизлиги принципини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ва ҳозирги куннинг реалликларига ҳам, Европанинг келажагига ҳам мутлақо дахли бўлмаган ҳар қандай концепцияларни рад этаётган Польша раҳбариятининг йўлини ҳар томонлама қўллаб-қувватласа арзийди.

Социалистик Польша — поляк халқининг буюк ютуғи, айтиш мумкинки, бу халқ ўз мамлакати ҳозирги давлатини ривожлантиришнинг бирдан-бир йўли, деб ҳисоблаётган ва қатъий ҳимоя қилаётган энг муқаддас ютуғидир.

Совет кишилари ҳозирги Польшанинг қийинчиликларидан, унинг ўзи танлаб олган бош йўлдан ривожланишига тўсқинлик қилаётган кучлардан хабардордирлар.

Шу билан бирга, биз Польшада социализм ўзининг ҳаётий кучини исботлаганини ҳам биламиз. Польша халқи мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал этиш, ташқаридан бўлаётган социализмга қарши душманлик таъсирини тугатиш усулларини топишига ишонамиз.

Совет Иттифоқи мавжудлигининг ўзи социалистик Польшага жуда катта ёрдамдир. Совет Иттифоқининг ҳозирги вазиятда қандай ҳаракат қилиш ҳақида ўз фикрлари ёки рецептларини Польша раҳбариятига ўтказиш муддаоси йўқ. Расмий совет баёнотларида бу ҳақда кўп марта айтилган. Бироқ барча йўналишларда, биринчи навбатда экономика соҳасида муносабатларимизни ривожлантиришга, бу муносабатларни мустаҳкамлаш ва бойитишга биз доим тайёрмиз. Партия ва парламент йўли билан бир-биримизга делегациялар юборишимиз фаол тус олганлиги яхши. Мамлакатларимиз ёшлари ўртасидаги, турли жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни, шу жумладан норасмий алоқаларни кенгроқ ишга солиш керак. Умуман, агар география харитасига назар солинадиган бўлса, шуни дадил айтиш мумкинки, Совет Иттифоқи билан Польшага фақат дўстона яхши қўшничилик муносабатларида бўлишни тақдирнинг ўзи тақозо этган.

Бундай муносабатлар эса мавжуд. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Войцех Ярузельский ўртасидаги, мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги мустаҳкам алоқалар бу муносабатларга доимий омил бахш этмоқда.

Совет — Польша дўстлиги ўтган уруш йилларида биргаликда олиб борилган курашда жангчиларимиз қони билан мустаҳкамланган. Бу курашнинг натижалари ҳаммага яхши маълум. Бу кураш ҳозир ҳам тинчлик учун, ядровий қуролсизланиш учун, шу мақсадда янги битимларга эришиш учун давом этмоқда.

Суҳбат Совет Иттифоқи раҳбарияти билан Польша Халқ Республикаси раҳбарияти ўртасидаги муносабатларга хос бўлган самимий, дўстона вазиятда ўтди.

**ТАСС.**

## ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

БОНН. 1988 йил қуролсизланиш йўлида янги қадамлар қўйиш йили, Умумевропа хонадонини қуриш йили бўлиши лозим, ГФР коммунистлари эса бу жараёнга ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Бонннда маҳаллий ва чет эл журналистлари билан учрашган Германия Компартиясининг раиси Герберт Мис шу ҳақда гапирди.

Бизнинг қуролсизланиш, кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик жараёнини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссамиз, энг аввало, шундан иборат бўладики, биз урушга қарши ҳаракатни мустаҳкамлаш мақсадида ўз куч-ғайратларимизни оширамиз, деди Г. Мис. Ғарбий Германия коммунистларининг куч-ғайратлари, ядровий қуролсизланиш йўлида янги қадам қўйиш ҳақидаги талаблар билан бир қаторда, ГФР ҳарбий бюджетини қисқартириш, унинг ҳарбий саноатини аста-секин тинч ишлаб чиқаришга ўтказиш ҳамда социалистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилади.

Янги йилда Германия Компартияси фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши тобора авж олиб бораётган ишсизликка қарши курашдан иборат бўлади, деб таъкидлади Г. Мис.

ГАВАНА. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Америка давлатлари ташкилоти, Контадора группаси ва уни қўллаб-қувватлаш группаси вакилларидан, шунингдек Марказий Америкадаги беш давлат намояндаларидан иборат Гватемала битими бажарилишини кузатиш ва контрол қилиш халқаро комиссияси Гватемалага инспекция ўтказиш учун сафар қилди. Пренса Латина агентлигининг хабар қилишича, ана шу мамлакатдаги бир қанча сиёсий партиялар ва касаба союз бирлашмаларининг намояндалари комиссия аъзолари билан учрашувларда ҳукумат билан қўзғалончи ташкилотлар ўртасида сиёсий мулоқотни қайтадан тиклаш зарурлигини айтдилар. Улар мамлакатда ҳарбий можаро тўхтатилмас экан, Гватемала битими тегишлича ривожлана олмайди, деб таъкидладилар.

(ТАСС).

ФАКТ ВА ШАРҲ

## Сахийликни қаранг...

**Ахборот агентликлари: Халқаро валюта фонди (ХВФ) ривожланаётган қашшоқ мамлакатларга, биринчи навбатда Африка мамлакатларига ёрдам бериш учун 8,4 миллиард доллар ажратди, деган хабарни бутун дунёга тарқатдилар.**

Африкадаги кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи «ҳақиқатан ҳам фожиали». Африкадаги Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган 27 мамлакатда сўнгги йилларда мислсиз қурғоқчилик бўлмоқда. Бу офат ана шу мамлакатлар экономикаси учун фалокатли бўлди. 160 миллион африкалик очликда яшамоқда.

Қурғоқчилик Африка бошига тушган оғир кулфат бўлганлиги равшан. Аммо бутун бир қитъадаги иқтисодий аҳволнинг ҳозир фалокатли даражада бўлишига ана шу қурғоқчилик бирдан-бир сабаб эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, Африканинг экономикаси қолоқлигича қолмоқда, қитъа қишлоқ хўжалигида — экономиканинг асосий тармоғида монокультура ҳукмронлиги иқтисодий аҳволни тағин ҳам қийинлаштирмоқда. Бу эса мустамлакачилар қитъада асрлар давомида ҳукмронлик қилиб келганлиги оқибатидир.

Бироқ аҳволнинг бутун фожиалиги шундаки, Ғарб, аввалгидек, ҳозир ҳам Африка мамлакатларини ҳаёсизлик билан таламоқда. Лекин ҳозир янги шаклларда ва янги асосда таламоқда. Эндиликда Африкани халқаро молия капитали ва транснационал корпорациялар таламоқда.

АҚШ контроллиги остидаги халқаро валюта фонди асосий роль ўйнаётган Ғарб кредит-молия ташкилотлари Африка мамлакатларига оғир шартлар билан кредит ва қарз бериш шартларини ўтказмоқда, натижада қарз сиртмоғи йилдан-йилга қаттиқроқ тортилмоқда. Бу мамлакатларнинг қарзи ҳозирги вақтда 250 миллиард долларга етди. Чунончи, қора Африка мамлакатлари қарзларини ва унинг процентларини тўлаш ҳисобига Ғарбдаги банклар ва корпорацияларга ҳар йили 9—10 миллиард доллар тўлашлари лозим. Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир Африкаликнинг ўртача йиллик даромади кўпинча 100 доллардан ошмаган бир пайтда у Ғарбдаги «саховатпешалари»дан 500 доллар қарздор бўлиб қолмоқда.

Ғарбдаги монополиялар ва корпорациялар Африка мамлакатларига «ёрдам» деб кредит ва қарзлар бериб, Африкадан унинг экономикасига сарфлаганига нисбатан икки баравар кўп фойда олмоқдалар.

Транснационал корпорациялар Африка мамлакатлари валюта тушумлари асосий манбаи ҳисобланган минерал хом ашёни сотишнинг деярли 90 процентини ўзлари контрол қилиб, экспорт ва импорт нархларини ўзгартириш йўли билан ҳар йили Африка мамлакатлари ташқи савдосидан тушадиган миллиардлаб долларни ўзлари учун қайириб олмоқдалар.

Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари ривожланаётган мамлакатларнинг бир триллион доллардан ортиб кетган ташқи қарзи юкини енгиллатиш учун, ниҳоят, капиталистик Ғарб бу мамлакатларга эътиборни қаратди, деб оғиз кўпиртирмоқда.

Бунда дарҳол ана шу рақамларни қиёслагинг келади: 8 миллиард ёрдам билан 1 триллион қарзни қиёслашнинг ўзи қийин. «Бой Шимол» билан «Қашшоқ Жануб» ўртасидаги муносабатларда ишларнинг реал аҳволи ана шундай. Шу тариқа, Ғарбнинг Африка мамлакатларига «ҳиммат» шиори остидаги «ёрдами» аслида уларни ўмаришга айланмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг социал-иқтисодий ривожланиши муаммоларини майда-чуйда садақалар билан ҳал этиб бўлмайди.

**Борис ФЕДОРОВ.**
**(ТАСС).**

## ЭНГ ҚАТТИҚ ҚИШ

САН-ФРАНЦИСКО. Мамлакатнинг марказий ва жанубий штатларида яшайдиган миллионлаб американиклар ҳозир қор билан «жанг» қилишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ерга Арктика бўронлари қаттиқ совуқ, муз ва ажал келтирди. Сўнгги ҳафтадагина об-ҳавонинг ноқулай келиши 33 кишининг ёстиғини қуритди. Одатда ҳамиша иссиқ бўладиган районлардаги аҳоли пунктлари айниқса оғир аҳволда қолди. Бу йилги қиш сўнгги уч йил ичидаги энг қаттиқ қишдир, дейишмоқда синоптиклар.

(ТАСС).

# МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

*Китоблар оламида*

КПСС XXVII съезди қарорлари ва кейинги даврдаги муҳим партия ҳужжатларида совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш, жумладан, илмий-атеистик тарбия соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, тарбиявий ишни социалистик қурилишнинг амалий масалалари билан боғлаш энг муҳим вазифалардан биридир, деб таъкидланади.

Бу вазифани амалга оширишда, аввало, унга илмий ёндашиш, илмий қўлланмалар, адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш ғоят муҳимлиги ўз-ўзидан равшандир. Илмий-атеистик тарбияга дифференцив ёндашиш ислом дини тарихан тарқалган регионларда ислом танқидига оид махсус адабиёт ва қўлланмаларни, шу жумладан, олий ўқув юртларида «Илмий атеизм» курсини ўқитишда ислом сарқитларининг яшовчанлиги билан боғлиқ бўлган хусусиятларни эътиборга олишни тақозо қилади. Шунинг учун бу курсни ўрганиш жараёнида студентларга умумиттифоқ миқёсида нашр этилган «Илмий атеизм» дарслиги билан бир қаторда, ислом танқиди билан боғлиқ материаллар кенг ўрин эгаллаган ўқув қўлланмага зарурат доимо сезилиб келди.

А. Абдусамедовнинг 1987 йилда («Ўқитувчи» нашриёти) босилиб чиққан «Илмий атеизм» китоби олий мактабларда «Илмий атеизм» курсини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бу китобни ана шундай ўқув қўлланма сифатида тавсия этган. Қўлланмада олий мактаблардаги «Илмий атеизм» курсини кейинги йилларда такомиллаштирилган программаси асосида тайёрланган, унда ҳозиргача бу курс бўйича дарслик ва қўлланма яратиш соҳасида тўпланган тажрибани умумлаштиришга ҳаракат қилинган. Китобнинг бошида «Автордан» деб берилган муқаддимада бу асарни тайёрлашда кенг фойдаланилган дарслик, қўлланма ва тадқиқотлар кўрсатиб ўтилган.

Қўлланма 4 бўлимга бўлинган 17 бобдан иборат. 1 бобда илмий атеизм предмети ёритилган. 1-бўлимга кирган тўртта бобда динни ижтимоий ҳодиса сифатида таърифлаш билан боғлиқ бўлган илмий атеизмнинг назарий масалалари, 11-бўлимга кирган тўртта бобда ислом таълимотининг асослари ва социал моҳияти, III-бўлимга кирган тўртта бобда социалистик жамиятида атеизм ва дин проблемалари ёритилган.

Умумий тарзда олинганда, китобда берилган материал олий мактаб студентларига «Илмий атеизм» курсини ўрганиш жараёнида маълум системага солинган билимни бера олади ва шунинг учун ҳам уни қўлланма сифатида зарур ва фойдали дейиш мумкин. Қўлланмага ҳозирги куннинг муҳим проблемаларидан бири бўлган ислом ва ҳозирги замондаги сиёсий ва идеологик кураш масаласининг алоҳида бобда берилиши (9-боб), ўтмишдаги атеизм ва хурфикрликни ёритишда (11-боб) Ўрта Осиё буюк мутафаккирларининг прогрессив ғояларига оид материалларнинг киритилгани, айниқса муҳимдир.

Асарни умуман ижобий баҳолаш, унинг олий мактаб студентлари, ўқитувчилари учун ғоят зарур ҳамда фойдали эканини таъкидлаш билан бир қаторда ундаги айрим нуқсон ва камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Фикримизча, агар китобни нашр этишда редакцион коллегия тузилиб ёки махсус илмий редактор белгиланганда, мавжуд камчиликлар жиддий камайган бўлар эди.

Китобда ҳозирги замон дин кризиси, унинг сабаблари ва хусусиятлари, ислом динининг сиёсий активлашуви, хорижий Шарқ мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда унинг ўрни ва роли, социалистик жамиятда исломнинг халқ турмуши ва анъаналарига сингиб кетган таъсири ва бу соҳада атеистик иш олиб боришнинг хусусиятлари каби масалалар ё умуман ёритилмаган, ё жуда қисқа изоҳлар билан чекланиб ўтилган, холос. Китобни бу масалаларга оид материаллар билан тўлдириш ғоят муҳимдир, чунки бугунги студент эртага борган иш жойида актив пропагандист сифатида иш олиб бориши ҳозирги куннинг муҳим талабидир.

Китоб муқаддимасида фойдаланилган дарслик ва асарлар тилга олинган бўлсада, айрим ўринларда автор кенг фойдаланган жойларда ана шу асарларнинг бетлари иловада кўрсатилиб ва лозим бўлган изоҳлар бериб борилганда яна ҳам яхши бўлар эди. Бу фақат қўлланма авторининг бошқа авторларга, улар берган илмий хулосаларга ҳурмат билан қараш аломати сифатидагина эмас, шунингдек, китобхоннинг керак бўлган масала бўйича кенгроқ ва батафсилроқ материални осонроқ топа олиши ва ундан фойдаланиши учун ҳам керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, илмий таҳрирга эътибор берилмагани натижасида китобда терминлар ва ибораларда, хусусан ислом таълимоти билан боғлиқ терминларда кўп хато ва ноаниқликлар учрайди.

Китобдаги камчиликлар умуман олганда жузъий характерда бўлиб, унинг нашр этилиши олий мактабларда илмий атеизм курсини ўқитишда катта ижобий аҳамиятга эга.

**М. УСМОНОВ,**
**фалсафа фанлари доктори.**
**А. СОЛИЕВ,**
**атеист лектор.**

